

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
"O'zdonmahsulot" акциядорлик  
компанияси якка акциядорининг  
2016 йил 24 июндаги  
йиғилиши томонидан**

**«O'ZDONMAHSULOT» акциядорлик компанияси  
Ички назорат тўғрисидаги  
Низом**

## **I. Умумий қондалар**

Мазкур ички назорат тўғрисидаги низом (кейинги матнларда низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, "Ўздонмахсулот" акциядорлик компанияси (кейинги матнларда компания деб юритилади) Устави, корпоратив бошқарув кодекси ва компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига асосланган.

Ушбу низом ички назорат тизимининг мақсад ва вазифаларини, унинг ишлаш принципларини ҳамда компания ва шахсларнинг ички назоратдаги жавобгарлигини белгилайди.

Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш компаниянинг умумий йиғилиши қарори билан тартибга солинади.

## **II. Ички назорат механизмини жорий этиш ва унинг мақсадлари**

Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш мақсадида компания:

- кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда унинг таркибига мустақил аъзоларни киритиш талабларини акс эттиради;
- кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда беради;
- акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар — маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда бизнес-жараёнлар

ва лойиҳаларнинг компания ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказди;

- компания самарали ички назорат тизимини жорий қилишнинг асосий мақсадини барча акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни белгилайди; ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинишини таъминлайди;
- компаниянинг ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколатини беради;
- компания таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини компания номидан овоз бериш тартибини белгилайди; компания умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради;
- компания ижро органидан мунтазам равишда компания таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот талаб қилади;
- компания ички назорат органи (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши, миноритар акциядорлар қўмитаси (агар мавжуд бўлса) ва

акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

### **III. Ички назорат тизимини шакллантириш**

компанияда самарали ички назорат тизимини жорий қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши "Ички назорат тўғрисидаги низом"ни тасдиқлайди. У қуйидагилардан иборат бўлади:

- компаниянинг ички назорат органи таркибига ҳамда унинг

аъзолари малакасига талаблар; ички назорат тизими тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва уни шакллантириш регламенти;

компания ички назорат органи тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотлар маслаҳатчиларни жалб қилиш тартиби;

- Ички назорат органи ишини мониторинг қилиш механизмлари тавсифи, унинг аъзоларига тўланадиган компенсация ва мукофот пулларини ҳисоблаш тартиби.

"Ички назорат тўғрисидаги низом" компания ходимлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари учун риоя этилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

компания "Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом" талабларига мувофиқ, кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритади.

Қуйидагилар компания кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

(I) сўнгги беш йил мобайнида компания, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналарида ишламаган шахслар;

(II) компания, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;

(III) компания, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик миждозлари ёки мол етказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

(IV) компания, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

(V) компания, унинг шўъба ва аффилиланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнгги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахсларнинг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

(VI) компанияни назорат қилувчи шахс (ёки компания устидан жамоа тарзида назорат олиб борувчи гуруҳ ва/ёки ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

(VII) компания билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва компаниянинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (компания) ёки йирик акциядорининг ҳодими бўлмаган шахслар.

Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун компания уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади.

Компания тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколат доираси ушбу қонун ва компания устави билан белгиланади.

Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра компания ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

Компания тафтишчиси, ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида компания кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, компания кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра компания кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра компаниянинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

- компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо; бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга ошириляётганда қонун хужжатлари

бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар, ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда компания кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган компанияда ички аудит хизмати ташкил этилади.

Ички аудит хизмати компаниянинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Компаниянинг ички аудит хизмати компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, компания уставига ва бошка ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Компаниянинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан белгиланадиган тартибга мувофик амалга оширади.

***Акциядорлар билан корпоратив  
муносабатлар бошқармаси***